

## Шукрли бўлиш



19:00 / 20.12.2023 2103

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿وَكَيْلًا دُونِي مَن تَنَجَّدُوا آلَ إِسْرَائِيلَ بِإِذْنِي هَدَيْتِي وَجَعَلْنَاهُ الْكِتَابَ مُوسَىٰ وَءَاتَيْنَا

**«Ва Мусога китобни бердик ва уни: «Мендан ўзгани вакил тутманглар!» - дея Бану Исроилга ҳидоят қилиб бердик» (Исро сураси, 2-оят).**

**Яъни «Биз Мусо алайҳиссаломга Таврот китобини бердик. Ҳамда ўша Таврот китобини Бану Исроил учун ҳидоят қилиб қўйдик. Унга эргашсалар, ҳидоятга эришишлари турган гап эди.**

**Шу билан бирга, Биз Бану Исроилга:**

**«Мендан ўзгани вакил тутманглар!»**

**Яъни Аллоҳдан ўзгага суйанманглар. Ундан бошқага юзланманглар. Ана шундагина ҳидоят топасизлар»,** – дедик.

يَكْسِبُونَ مِمَّا لَهُمْ وَوَيْلٌ أَلَيْدِيهِمْ كَانَتْ مِمَّا لَهُمْ فَوَيْلٌ قَلِيلًا

**«(Эй) Нуҳ билан бирга кўтарганларимизнинг зурриётлари! Албатта, у ўта шукрли банда эди»** (Исро сураси, 3-оят).

Дунёда инсоният қолмаган пайтда Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом билан бирга у киши ясаган кемада тўфон балосидан қутулиб қолган мўминлардан зурриёт тарқатиб, ер юзида янгидан одамзотни кўпайтирди. Аллоҳ таоло Бану Исроилга ўша нарсани эслатиб туриб, хитоб қилмоқда. Уларнинг асли ана ўшандай яхши, фазилатли инсонларга қайтишини эслатмоқда, улардан ўрнак олишга чақирмоқда.

**«Албатта, у ўта шукрли банда эди».**

Нуҳ алайҳиссалом ўта шукрли банда эди. Унга иймон келтирганлар ҳам ўта шукрли бандалар эдилар. Сизлар ҳам шукрли бўлинглар.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**